

ХУКУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАРБИЯВИЙ-ПРОФИЛАКТИК СУХБАТ ЎТКАЗИШНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14684938>

Мирзаев Жаҳонгир Умирзокович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти

Тарбиявий ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: jahongirmirzayev970@gmail.com

Аннотация:

Мақолада ҳуқуқбузар билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказишнинг шахсларни тарбиялашдаги, жиноятларни фош этишдаги ўрни ва аҳамияти, бу жараёнда ходимлар нималарга эътибор қаратиши лозимлиги, улар томонидан нималар қилиниши мумкин эмаслиги, суҳбат ўтказишнинг тактикаси, қандай ҳолатда ўтказиш самара бериши ҳақида кенг фикрлар баён этилган. Шунингдек, шахснинг ёлғон гапираётганлигини аниқлашнинг жадвали келтириб ўтилган бўлиб, ушбу жадвалнинг аҳамияти ва ундан фойдаланиш йўли ҳақида маълумотлар берилган. Бундан ташқари, ходим ҳуқуқбузарлар билан ўтказилаётган суҳбатга диққат ва масъулият билан ёндашиши, чин дилдан гапириши, унинг ҳуқуқларини поймол қилмаслиги зарурлиги, ҳуқуқбузар билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш борасида зарур бўлган тадбирлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Муаллиф ҳуқуқбузар билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказишнинг жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишдаги муҳим жиҳатлари ва айрим эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлар бўйича ўзининг илмий-амалий таклиф ва мулоҳазаларини илгари сурган.

Калит сўзлар

ҳуқуқбузар, якка тартибдаги суҳбат, тарбиявий-профилактик, ахлоқан тузатиш, ёлғон гапириш, жиноятнинг олдини олиш, профилактика, қайта ҳуқуқбузарлик содир этмаслик, руҳий ҳолати, эркин сўзлаб бериш, савол бериш, ишонч ва умид уйғотиш, тушунтириш ва тарғибот қилиш.

ЗНАЧЕНИЕ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ И ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ БЕСЕД С ПРАВОНАРУШИТЕЛЯМИ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ И РАСКРЫТИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Мирзаев Жахонгир Умирзакович,

*Начальник Управления организации воспитательной работы Департамента
исполнения наказания при Министерства внутренних дел Республики
Узбекистан,*

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

E-mail: jahongirmirzayev970@gmail.com

Аннотация

В статье представлен широкий спектр мнений о роли и значении проведения индивидуальных воспитательных и профилактических бесед с правонарушителями в воспитании личности и раскрытии преступлений, на что следует обращать внимание сотрудникам в этом процессе, чего им не следует делать, тактика проведения бесед, и при каких обстоятельствах они могут быть эффективными. Также приведена таблица для определения лжи человека, а также информация о важности этой таблицы и о том, как ее использовать. Кроме того, были высказаны мнения и соображения о необходимости со стороны работника подходить к беседе с правонарушителем со вниманием и ответственностью, говорить искренне, не нарушать его права, а также принимать необходимые меры по проведению индивидуальной воспитательно-профилактической беседы с правонарушителем. Автором выдвинуты научно-практические предложения и соображения относительно важных аспектов проведения индивидуальной воспитательной и профилактической беседы с правонарушителями в предупреждении и раскрытии преступлений, а также относительно некоторых ситуаций, требующих внимания.

Ключевые слова

правонарушитель, индивидуальная беседа, воспитательно-профилактическая, моральное исправление, ложь, предупреждение преступлений, профилактика, рецидивизм, психическое состояние, свобода слова, постановка вопросов, внушение доверия и надежды, разъяснение и поощрение.

THE IMPORTANCE OF INDIVIDUAL EDUCATIONAL AND PREVENTIVE CONVERSATIONS WITH OFFENDERS IN PREVENTING AND EXPOSING CRIMES

Mirzayev Jahongir Umirzoqovich,

Head of the Department for the Organization of Educational Work,

Department of Punishment Execution under

the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: jahongirmirzayev970@gmail.com

Annotation

The article explores the role and significance of conducting individual educational and preventive interviews with offenders to educate individuals and uncover crimes. It discusses what employees should prioritize in this process, what they should avoid, the tactics for conducting interviews, and the circumstances under which these tactics can be most effective. A table for determining whether a person is lying is also presented, along with information on the importance of this table and how to use it. Moreover, the article emphasizes that employees must approach conversations with offenders responsibly, speak sincerely, and avoid violating their rights. The author also provides opinions and suggestions regarding the necessary measures for conducting individual educational and preventive conversations with offenders. The article puts forward both scientific and practical recommendations for effective crime prevention, focusing on the key aspects of educational conversations. Additionally, attention is given to some situations that require specific approaches.

Keywords

offenders, individual conversations, prevention, educational methods, moral correction, lying, crime prevention, tactics, psychological state, freedom of speech, asking questions, instilling trust and hope, explaining, and promoting.

Ҳуқуқбузарлик содир этган ҳар бир шахс билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, шахс билан суҳбат ўтказишда биринчи навбатда у ҳақида маълумот олиш мумкин, қолаверса бошқалар содир этилаётган жиноятлар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин. Ходим қанчалик кўп суҳбат ўтказса, унинг шунчалик маълумоти кўп бўлиши инкор этиб бўлмас ҳақиқат эканлиги барчага маълум.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқбузар билан доимий равишда якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиб бориш жиноятларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, ҳуқуқбузарлар билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш борасида алоҳида тизим ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатда ҳар бир ҳуқуқбузарга индивидуал ёндашилиши зарур.

Ҳар бир суриштирувчи ва терговчи якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш борасида доимий равишда ўзининг малакасини ошириб бориши зарур.

Бу борада:

шахснинг руҳий ҳолатига ижобий ва салбий таъсир этувчи восита ҳамда ҳолатларни ўрганиши;

ҳуқуқбузарни суҳбат давомида диққатини тортиб ижобий таъсирот уйғотадиган мимикаларни ўрганиши;

нотиклик санъати бўйича билимларга эга бўлиши;

якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш борасида тегишли адабиётлар, илмий ишланмалар ва маълумотларни ўрганиб бориши;

бошқа ходимларнинг ижобий тажрибаларини сўраб ўрганиб бориши;

якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатдан кўзланган мақсад ҳуқуқбузарга тарбиявий таъсир ўтказиш эканлигини англаши ва буни ўзига мақсад қилиб олиши лозим.

Шунингдек, ҳар бир ходим ўз иш услубига эга бўлиши, уни ишлаб чиқишга ҳаракат қилиши лозим. Ходим биров билан суҳбатлашганида у қаерда ёлғон сўзлаганини аниқлашни машқ қилиши керак; чунки у ёлгонни ажрата олсагина, шу орқали яширилган ҳақиқатни англаши мумкин⁹.

Ҳар бир раҳбар якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш борасида доимий равишда барча соҳавий хизмат ходимларининг малакасини ошириб бориши зарур.

Бу борада:

шахснинг руҳий ҳолатига ижобий ва салбий таъсир этувчи воситалар, якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат жараёнида эътибор қаратиш муҳим бўлган жиҳатлар, ҳуқуқбузарнинг муаммоларини ҳал этиш, ишончига кириш, дунёқарашини ўзгартириш ҳақида ҳар ойда бир маротаба малакали педагог ва психологларни жалб этган ҳолда ўқув машғулотини ўтказиши;

⁹ *Мирзаев Ж.У.* “Талончилик жиноятининг олдини олиш ва фош этишни такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси, 76-бет.

ўтказиладиган маърифат ва бошқа ўқув машғулотилари жараёнида якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказишнинг ижобий тажрибалари ҳақида барча ходимларни хабардор қилиб бориши зарур.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш босқичлари қуйидагилар:

биринчи босқич, суҳбат ўтказиладиган шахсни аниқлаш, уни тўлиқ ўрганиш ва суҳбатни режалаштириш;

иккинчи босқич, суҳбатни бошлаш ва шахснинг ўзи ҳақида эркин сўзлаб беришига имкон бериш;

учинчи босқич, шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, ходим томонидан ўз йўналиши бўйича шахсга маълумотлар ва тушунтиришлар бериш;

тўртинчи босқич, шахснинг хатоларини тушунтириш ва тарбиявий-профилактик тарғибот ўтказиш;

бешинчи босқич, ўтказилган суҳбат натижасини таъминлаш, яъни унинг муаммосини қонуний ҳал этиш, у билан навбатдаги (*кейинги*) суҳбат вақтини белгилаб қўйиш.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

ҳуқуқбузарнинг суҳбат жараёнида ўзини қандай тутаётганлигига;

суҳбатга диққатини қаратаётганлигига ва унда кизиқиши уйғонаётганлигига;

ҳуқуқбузарнинг суҳбат вақтида эътиборини чалғитаётган нарсалар ва айни дамдаги муаммоларига;

ҳуқуқбузарнинг кизиқиш ва хоббиларига;

суҳбат жараёнида ишонч ва умид уйғонаётганлигига;

тарбиявий-профилактик суҳбатнинг таъсирли бўлаётганлигига.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат жараёнида шахснинг ёлғон ёки рост гапираётганлигига аҳамият қаратиб бориш зарур.

Шу ўринда шахснинг ёлғон гапираётганлигини аниқлаш бўйича тахминий жадвални таклиф сифатида эътиборингизга ҳавола этамиз. Ушбу жадвалдан тўғри фойдаланиш суҳбат орқали жинойтларни фош этиш имкониятини соддалаштиради.

Мулоқот вақтида фуқаронинг рост ёки ёлғон гапираётганлигини аниқлаш бўйича

Ж А Д В А Л:

Мазкур тест жадвал аниқ тўхтам ёки якуний хулоса қилишга асос бўлмайди. Жадвалнинг мақсади, ходимда синчковликни ошириш, тезкор тушмоқ тузишда маълум бир йўналиш беришдан иборат.

T/p	Мулоқот вақтида шахсда тилган ҳолатлар	Ҳа	Йўқ
1.	Кўзи, оғзи ёки қулоғини қўли билан (тўсдими)	+	
2.	Кўзининг тепа қисмини бир неча та бармоғи билан силадими ёки олға жавоб беришида кўзини бошқа нўсхага олиб қочдими	+	
3.	Бурнининг қичиши, қизариши тилдими ёки ўзи англамаган ҳолда тилга тегдими	+	
4.	Савол берганда (ўзининг одатидан) ни кўпроқ очиб-юмдими (пирагдими)	+	
5.	Жавоб беришда кўпроқ югиндими	+	
6.	Гапираётган вақтида бўйни ёки қўлини ушлайвердими	+	
7.	Савол берганда бир неча маротаба қўлини қоқдими, тўғриладими	+	
8.	Савол берганда пешонасини силадими, чуқур нафас олиб чиқардими	+	
9.	Савол берганда сирғаси ёки қўлидаги занжирга тегиндими	+	
10.	Ўзи гапираётганда бошқа нарсаларга эътиборини қаратдими ёки қўлини ҳаракатлантиравердими, қўл ёки нарсаларга тегинавердими	+	
11.	Кўзингизга қарай олмаётганлигини билдирдими, воқеа билан боғлиқ савол берганда юзи ва танасига тегиниши билдирдими	+	
12.	Мулоқотда бармоқлари ва қўлини қимирлатавердими	+	
13.	Саволга тўхтаб-тўхтаб жавоб бердими, тутилиб гапирдими, йўталиб бердими, бўйнини ушладими	+	

Мазкур жавобда “ҳа” жавоби учун “+” , “йўқ” жавоби учун “-” белгисини қалам билан белгилаб олинади, жавоблар устунини вертикал йиғиндисига қараб натижа чиқарилади.

Агар “Ҳа” жавоблари 2 тадан ошиб кетса, ушбу шахс ниманидир яшираётган ва бошқа маълумотларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Унутманг, ёлғонни аниқлай олиш ходимнинг ютуғидир. Ҳар қандай гапга ишонавермасдан, мулоқотга киришган шахс ёлғон гапираётган бўлиши мумкинлиги ҳақида ходимда шубҳа бўлиши керак. Қанчалик воқеликка кириб борилаверса, шунчалик унинг моҳиятидан хабардор бўлинади, ёлғон гапираётган шахс қанча кўп гапирса, шунчалик кўп хатоликка йўл қўяверади.

Шахс ёлғон гапираётган вақтида сизнинг воқеа ҳолатидан қанчалик хабардор эканлигингизга эътибор қаратади, агарда сизнинг хабардор эмаслигингизни сезса кўпроқ ёлғон ишлатади. Шу каби, агарда ходим воқеа ҳолатидан қанчалик кўпроқ хабардор бўлса, у шунчалик кўпроқ ёлғон гапирган шахсни аниқлаши мумкин бўлади. Мулоқот вақтида ёлғон тўқиган шахс гапларини такрорлаш сўраганда, қайта айтиб беришда хатоликка йўл қўяди. Ходим мулоқотга киришган вақтида шахснинг ҳамма ҳолатларини кузатиб тура олмайди, агарда шахснинг мимикаси кўп бўлса, уларнинг ҳаммасини кузатиб баҳолаб бориш шарт эмас.

Сиз нафақат одамни тинглашингиз, балки суҳбатни тўғри йўналишда олиб боришингиз, олдиндан тайёргарлик кўришингиз ва барча керакли маълумотларни тўплашингиз керак.

Экстровертлар (энергияси ташқи дунёга йўналтирилганлар) интровертларга (энергияси ички оламига йўналтирилганларга) нисбатан етти барабар кўп ёлғон гапиради. Шунингдек, инсон ҳамкасбларига қараганда бегоналарга, эркалар аёлларга нисбатан кўпроқ ёлғон ишлатади. Ёлғон гапираётган инсоннинг тана ҳаракатлари ғайриоддий бўлади. Инсон тўғри ва оддий гапирганида тана ҳаракатларида нималар сезилишини билиб, кейин ёлғон гапирганида ўша ҳаракатлар бузилаётганлигини аниқлаш мумкин. Масалан, аввало, табиий ҳолатда кўз ёши қачон чиқиши, ҳайрон бўлганида нималар қилишини, яъни тананинг табиий тилини ўрганиш керак. Жумладан, инсон билан суҳбатлашганда дастлаб унга оддий ва ҳеч кимдан яширмайдиган фактлари, масалан, туғилган йили, куни, ўқиган мактаби ҳақида сўраб, танасини кузатиб туриш, шундан кейин бошқа саволларга ўтиш керак. Тана ҳаракатларида ўзгаришлар сезила бошлаши бу шахс ёлғон гапиришга уринаётганидан далолат беради.

Мулоқот жараёнининг 20 % вербал ва 80 % новербал тарзда кечади. Инсон ёлғон гапирган вақтида тана ҳаракатлари уни сотиб қўймаслиги учун уларни яширишга ҳаракат қилади. Ёлғон гапириш белгилари кўпроқ ёлғон гапираётган одам танасининг чап қисмида намоён бўлади. Кўпчилик

инсонлар ўз сўзини яшира олади, лекин ҳиссиёти ва онг ости муносабатларини яширолмайди.

Одатда инсон бировнинг юзига қараган вақтида унинг мияси уни умумий юз сифатида қабул қилади. Лекин юзнинг ҳар бир қисмига алоҳида эътибор билан қаралса, ҳар бир инсоннинг юзидаги ҳолатлардан келиб чиқиб, унинг кайфиятини, ҳаёлидаги кечинмаларини ва ҳатто ёлғон гапираётганини ҳам аниқлаш мумкин.

Агар кўпроқ сочини тузатишга ҳаракат қилса, суҳбатдоши унга ёққан бўлади; агар кўп тегинаверса, ўзига ишонмаётган бўлади. Суҳбатдошнинг кўзига қарамаслик ҳар доим ҳам ёлғон гапираётганликни билдирмайди, балки янги воқеликни ўзлаштираётган ёки ўйлаётган бўлиши мумкинлигини ҳам англатади.

Шахс асабийлашаётган бўлса, оғзи қурий бошлайди ва у лаб ёки бармоқларини ялайди.

Оёқ-қўлларни чалиштириб ўтириш ёки туриш суҳбатдан зерикканликни ва бу унга ёқмаётганлигини англатади. Қўлларни юрак соҳасига қўйиб гапириш унинг самимий гапираётганлигини билдиради. Қўлни ҳар томонга бемаъни ҳаракатлантиравериш билим камлигидан далолат беради. Қўлларни иякка тираб олиш — гап-сўзлардан зерикиш аломати. Кийимларни тўғирлайвериш одам ўзини ноқулай сезаётганлигини ёки бу ердан тезроқ кетмоқчилигини билдиради. Лабни тишлаш суҳбатдош ёққанлигини англатади. Агар шахс сигарет тутунини тепага чиқарса — хурсандлигини, тўғрига чиқарса — ишлари тўғрилигини, пастга чиқарса тушқун кайфиятдалигини англатади. Бу ҳам онг ости ҳаракатидир.

Ёлғон сўзловчи шахс бошқа нарсаларга эътиборини қаратади, қўлларини ҳаракатлантираверади, ручкага тегинади, танасида зўриқиш ҳис қилади, ўзига қулай шароит ва суянчиқ топа олмайди, кўриш контакти имконияти йўқолади, яъни суҳбатдошининг кўзига қарай олмайди, юзи ва танасига тегиниш кучаяди, бармоқлари ва оёқларини қимирлатаверади, юриши ўзгаради, ёш болага ўхшаб қолади.

Жағни ушлаш — ўйлашни, бурун, оғиз, қулоқ ва бўйинни ушлаш эса ёлғончиликни англатади.

Одамлар телефонда (37 %), телеграмм, смс каби қисқа ёзувли хабарларда (21 %), электрон почтада (14 %), жонли мулоқотда (27 %) кўп ёлғон ишлатишади. Уларнинг диққат-эътибори фош бўлиб қолишида эмас, балки бундан кейин гапини исботлаш учун далил тополмай қолишида бўлади.

Ёлгон сўзлаётган одам воқеани тутилмасдан, бир текис айтиб беришга ҳаракат қилади. Ундан такроран айтиб бериш сўралса, асабийлаша бошлайди.

Инсон танаси ҳар доимо имо-ишоралар билан воқеанинг тўғриси "айтади": тил "ҳа" деганида танаси "йўқ" ишорасини беради; бош ҳам, қўл бармоқлари ҳам "йўқ" деган маънода чайқалади.

Юзнинг қизариши, бошнинг эгилиши ва енгил кулиш — уялиш белгиси. Кулиб, қизариб, бошқа томонига қараш ҳам уялишни билдиради.

Кўпинча кимдир бировга тухмат қилиб, унинг жиноят қилганини айтса, аслида, унинг ўзи жиноят қилган бўлади. Жиноят қилган шахс эртасига яшаш жойидан ёки жиноят содир этилган ҳудуддан қочиб кетади.

Кўпчилик семиз одамлар оккўнгил, яхши одам бўлади деб ўйлайди. Бу ташқи қиёфага қараб жуда тез ишонишдир. Бу ишонч онгда 10 миллисекунд ичида юзага келади. Аввал чапга, ўнгга ва марказга қараб олинади юзнинг тузилиши бўйича. Шу орқали ходимнинг юзини одамларда ишонч уйғотувчи ҳолатга келтириш — қошларни кўтариш, юз четларини шунга мослаштириш орқали ишончга кириш мумкин. Ишонч уйғотувчи юздан сўроқ қилишда фойдаланиш мумкин.

Тарихда гумон қилинувчининг қўлига тухум бериб, сўроқ қилишган. Агар у айбдор бўлса, асабийлашганидан тухумни беҳосдан сиқиб, синдириб қўйган. Ўзаро боғлиқ кучли ҳиссиётлар вақтида инсон танасининг бир қанча жойларида ўзгаришлар бўлади. Уларни сезиш орқали унинг алдаётган ёки алдамаётганлигини аниқлаш мумкин. Шахснинг танасидаги ўзгаришларни аниқлаш орқали шахс воқеа жойида бўлган ёки бўлмаганлиги аниқлаш мумкин.

Баъзида, инсоннинг лабини тишлаши, қулоғини ушлаши, беихтиёр елкасини қисиши ва эшик томонга қараши берилган саволнинг жавобини билмаслигини англатади.

Агар шахснинг бирор саволга нотўғри жавоб бергани сезилса, биров вақт ўтиб, ўша саволни қайта бериш керак: ёлгончининг тўкиган ёлғони ёдидан чиқиб кетган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, масалан, бирор шахсга "Ўша куни уйингизга ўша киши келдими?", деб эмас, балки илмоқсиз, яъни "Ўша куни у билан гаплашдингизми?" деб савол бериш керак, чунки у уйида эмас, балки бошқа жойда у билан учрашган бўлиши мумкин. Нотўғри савол берсангиз, унга сиз ҳеч нарсадан хабардор эмасдек туюлади. Яъни умумийроқ, бироқ бўлган воқеадан хабардорлигингизни англатувчи, айтиш вақтда хабардор эмаслигингизни яширувчи саволларни қўллаш керак.

Шахс ёлгон гапира бошласа, оддий нарсалар ҳам унинг катта нарсада айби бўлиши мумкинлигини билдириб туради. Масалан, кўпинча гумон қилинувчи шахс ходим берадиган саволларга тайёргарлик кўрган ҳолда, жавобларини олдиндан ўйлаб келади. Унга кутилмаган саволлар берилса, шошиб қолади.

Шахс ёлгон гапира бошлаганида ходим унинг ёлгонларига ишонаётган-ишонмаётганини аниқлаш учун ходимга диққат билан қараб гапиради.

Ҳар бир ходим ўз иш услубига эга бўлиши, уни ишлаб чиқишга ҳаракат қилиши лозим. Ходим биров билан суҳбатлашганида у қаерда ёлгон сўзлаганини аниқлашни машқ қилиши керак; чунки у ёлгонни ажрата олсагина, шу орқали яширилган ҳақиқатни англаши мумкин.

Мулоқот вақтида шахс мимикаси, қиёфаси, кўзлари ва танасидаги ўзгаришлар ҳар доим ҳам унинг ёлгон гапирганлигини англаб бериши, балки унинг эмоционал ҳолати ва мулоқот вақтидаги гаплар ва ҳолатларга муносабатини ҳам билдириши мумкин ҳалос.

Юздаги микро белгилар акс этиши бир сонияга ҳам етмаслиги, макро белгилар эса, 2-3 сони акс этиши мумкин. Уларни пайқаш учун ходим сезгир ва эътиборли бўлиши лозим.

Шахснинг юзига қараб, нафақат ёлгонни, шу билан бирга у сўз билан ифодаламаётган бошқа ҳолатни ҳам аниқлаш мумкин, мисол учун, кимдир кўрқитаётган ёки оғир қийинчилик ҳолатида бўлса, мимикалари орқали ҳақиқатни аниқлаб, унинг муаммоларида ёрдам бериш масаласини ҳал қилишда имконият туғилади¹⁰.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ҳуқуқбузарни ахлоқан тузатишда энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг эътирофига кўра, айнан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатни мунтазам ва сифатли олиб бориш, ҳуқуқбузар ҳуқуқий онги ўзгаришига олиб келади. Онги ижобий томонга ўзгарган ҳуқуқбузар тузалиш йўлига қатъий ўтади.

Ходим ҳуқуқбузар билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказишдан олдин, у ҳақида зарур бўлган маълумотлар (*оилавий аҳволи, маълумоти, ўзини охирги маротаба қандай тутаётганлиги, характери*)га эга бўлиши зарур.

¹⁰ Мирзаев Ж.У. “Талончилик жиноятининг олдини олиш ва фош этишни такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси, 253-бет.

Ходим ҳуқуқбузар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлгач, унга қандай саволлар бериши, унинг берган саволларига қандай жавоб бериши, қандай тарбиявий тарғибот қилиши ҳақида ўз онгида режалаштириб олиши лозим¹¹.

Ходим якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказишдан олдин ўзининг ташқи кўриниши, кийимларининг ҳолатларига эътибор қаратиши ҳамда суҳбат жараёнида ўзини маданиятли ходим даражасида ўзини тутиши лозим.

Ходим ҳуқуқбузар билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат бошлашдан олдин унга қонунчилик талаблари доирасида салом бериши, муомаласида камчиликлари аниқланганда унга оғзаки тушунтириш бериши, ҳуқуқбузарда чинакамига унга нисбатан билимли ва салоҳиятли эканини англатувчи таъсирот уйғотиши лозим.

Шунингдек, ҳуқуқбузарда ходимга нисбатан дўстона ишонч уйғониши эришиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ, турли ноқонуний алоқага йўл берилмаслиги шарт.

Ходим ҳуқуқбузарлар билан ўтказилаётган суҳбатга диққат ва масъулият билан ёндашиши, чин дилдан гапириши **“Тилдан чиққани қулоққа, дил ва юракдан чиққани эса қалбга таъсир этади”** деган ақидага амал қилиши лозим. Номига эмас, балки юракдан ёндашишгина мақсадга тўғри олиб боришини, номига қилинган иш инсонни фақатгина чарчатишини, бироқ бирор натижа бермаслигини унутмаслик керак.

Ҳуқуқбузар билан олиб бориладиган якка тартибдаги суҳбатда шошма-шошарлик қилмаслик, уни тўлиқ эшитиш, муаммоларини қонуний ҳал этиб бериши орқали қалбида меҳр уйғотиш лозим. Ҳуқуқбузарнинг ходимга нисбатан меҳри ошганда унинг қалби очилади ва тарбиявий таъсирга тайёр бўлади.

Айримлар учун, айниқса, бир неча маротаба ҳуқуқбузарлик содир этганлар учун якка тартибдаги суҳбатнинг аҳамияти катта. Эринмасдан суҳбатни мунтазам олиб бориш, кўпроқ ҳуқуқбузарнинг муаммоларини ўрганиш ва кўпроқ тарбиявий гаплардан гапириш, ҳар бир шахсга унинг темпераменти ва характери инобатга олиб, ўзига хос ёндашиш (*керак бўлса қариндошларнинг, илгари ишлаган жамоасининг ижобий таъсирини қўллаш мумкин*), шунингдек олинган “маълумотларни ахборотдан фойдаланиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш” керак¹².

¹¹ Дымов Г.А. Организация и тактика оперативно-розыскного обеспечения раскрытия и расследования грабежей и разбоев, совершенных несовершеннолетними // Бизнес в законе. — 2005. — № 1. — С. 93.

¹² Оперативно-розыскная деятельность: Учебник / Под ред. К. К. Горяинова и др. — 2-е изд., доп. и перераб. — М.: Инфра-М, 2004. — С. 38.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик ишлар куйидагича ташкил қилинади:

ҳуқуқбузарнинг шахси ўрганилиб, у билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш режаси тузилади ва режа асосида суҳбат амалга оширилади;

тарбиявий суҳбат давомида ҳуқуқбузарга таъсирчан тарбия усуллардан самарали фойдаланилади;

кўча безори, тарбияси оғир деб топилган, такрорий ҳуқуқбузарлик қилувчиларга якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатига малакали ходимлари масъул этиб бириктирилади.

Соҳавий хизмат ходимлари томонидан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат жараёнида, даставвал, ҳуқуқбузарни тарбиялашга ва тартиббузарлик содир этишдан тийилишга даъват қилинади. Жиноят содир этмаслик ва унинг оқибатлари, қонуни бузишнинг зарарлари, имкониятларнинг қадрига етиш, касб ўрганиш, китоб ўқиш ва ўзини муносиб тутишнинг ижобий томонлари, ҳалол яшаш орқали катта натижаларга эришиш мумкинлиги, бировга қасд қилмаслик, жаҳлни жиловлаш йўллари, ҳуқуқбузарлик оқибатлари ҳақида батафсил айтиб тарбиявий-тарғибот қилинади.

Шуни қайд этиш керакки, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахслар билан суҳбат ўтказишда улар бошқа жиноятларни ҳам содир этган бўлиши мумкинлигини ёдда сақлаш керак. Уларга “савол-жавоб” тактикасини қўллаш лозим. Бу вақтда уларнинг жавобларини батафсил қайд этиб бориш зарур. Бу кўрсатмалардаги номувофикликларни аниқлашга имкон беради¹³.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат жараёнида йўл қўйилмайди:

бошқа ҳуқуқбузарларнинг суҳбат жараёнида ҳозир бўлиши;

шахс жумбушга тушган ёки соғлиғи ҳолати ёмонлашаётган бўлса;

суҳбат жараёнида шахс томонидан бошқалардан сир сақлаш сўралган ёки ҳуқуқбузарни обрўйсизлантириши мумкин бўлган маълумотларни бошқаларга ошкор қилиш;

ҳуқуқбузарга таъйиқ ва босим ўтказиш (масалан, ҳуқуқбузарни хатти-ҳаракатини кузатиб камчилигини топиб яна жазога тортиш билан қўрқитиш ва бошқалар).

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат жараёнида маълум бўлган ҳолатлар юзасидан куйидаги чоралар кўрилади:

¹³ Дранкин Л.Я. Криминалистическая характеристика грабежей и разбойных нападений https://studme.org/111211037508/pravo/rassledovanie_grabezhey_razboev

тушкунликдаги ҳукукбузарнинг рухий ҳолатини барқарорлаштириш учун психолог жалб қилиш ҳамда лозим бўлса унинг хатти-ҳаракатлари назорат қилиш учун ходим бириктириш масаласини ҳал этиш мақсадида тегишли чоралар кўриш;

ҳукукбузар томонидан айтилган муаммоларни ёзиб олиш ва имкон қадар қонуний ҳал этиш.

Шунингдек, ҳукукбузарлар билан якка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказишда муомала маданиятига риоя қилиниши, уларни шаъни ва кадр-қиммати камситилишига йўл қўйилмаслик лозим.

Жумладан, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаси ҳисобланади¹⁴.

Ҳуқуқбузар тезкор аҳамиятга молик, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган қарор қабул қилиш лозим бўлган ҳолатлар ҳақида билдирганда бу ҳақда зудлик билан тегишли чоралар кўрилишини ташкил этилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ахлоқан тузалиш ҳолатига ҳам эътибор қаратиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мисол учун, ахлоқан тузалиш йўлига ўтган ҳуқуқбузарнинг дунёқараши кўпинча қуйидагича бўлади:

содир этган жиноятини тақдиримда бор, шундай бўлиши керак экан, бунинг ҳам бир ҳикмати бор деб ҳисоблайди, “қилмиш-қидирмиш” деган нақлнинг моҳиятини англамайди;

ўзи содир этган жиноятининг тавсифини ҳеч бир хижолатсиз айта олади, бунда унинг юз қиёфасида ачиниш ва самимийлик бўлмайди ҳамда мимикасида пушаймонлик акс этмайди;

кўп айёрлик қилади ҳамда баъзан ўзини яхши кўрсатишга ҳаракат қилади;

содир этган жиноятда асосан бошқаларни айблайди ва бунинг учун турли важларни кўрсатади;

яқинларини кадрини тушуниб етмайди ва уларни ўзи сабабли қийналаётганлигига шубҳа билан қарайди;

ўз жиноий қилмишига яқин бўлган муаммоли вазиятни таҳлил қилишни сўраганда, ўзи амалга оширган қилмишига ўхшаш ечимни кўрсатади;

хаётга енгил тарафдан қарайди ва доим унда ўйнаб-кулиб, роҳатланиб қолишга ҳаракат қилади;

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни 4-модда (Law of the Republic of Uzbekistan "On Prevention of Offenses") <https://www.lex.uz/acts/2387357>

ўз ҳаётида содир бўлган салбий ўзгаришларга ўзи мустақил ечим топа олмайди ва бу учун бошқа шахсни масъул деб ҳисоблайди;

ўзининг қилмишларида доимо бошқалардан айб кидиради, ўзининг айбини тан олгиси келмайди;

инсонийлик, яхшилик, оила муқаддаслиги, мардлик ва ҳалоллик каби тушунчаларга юзаки қарайди, улар ҳақида ўзининг тушунчасини гапириб бериш сўралганда ўта қисқа гаплардан фойдаланиб, эътиборни чалғитишга ҳаракат қилади.

Ахлоқан тузалиш йўлига ўтаётган ҳуқуқбузар эса, кўпинча куйидагича дунёқарашга эга бўлади:

умуминсоний хислатларни ўзида мужассам этади, шаъни, кадр-қиммати ва эркинлигини ҳурмат қилади, барча шахсларни тенглик асосида ҳурматини жойига қўяди;

ижтимоий-маънавий ҳаётида юсак маънавий фазилатларни ўзида мужассам этади ва ҳар бир хатти-ҳаракатни юракдан ҳис этган ҳолда виждонан бажаради;

бошқаларни тушунади, уларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўради;

содир этган жиноятини эслашни хоҳламайди ва бу ҳақда гапирган вақтида унда хижолат ва пушаймонлик ҳисси унинг юз қиёфасида акс этади;

ҳаётга нисбатан реал муносабатда бўлиб, ҳар бир масалага масъулият билан ёндашишга ҳаракат қилади;

содир этган жиноятига ва унинг сабаб ҳамда оқибатларига ўзини жавобгар деб ҳисоблайди, ҳатто унга бошқалар дахлдор бўлган тақдирда ҳам, қилмиш-қидирмиш эканлигини кайд этади;

яқинларини кадрини тушуниб етиб, содир этган қилмиши туфайли уларни ўзидан ҳам кўра кўпроқ қийналяпти деб билади;

айбини кўпроқ ўзидан ахтаради, ўзига зарар етказган одамларни тез унутади, қасд олишни ўйламайди;

яхшилик билан кўп нарсага эришиш мумкинлигига ишонади, кўпроқ бу ҳақида гапирди, бироқ баландпарвоз асоссиз орзуларга берилиб қолмайди, балки самимий режалар тузади ва амалга оширишга интилади;

оиласи ва бошқа қариндошлари билан ижобий муносабатда бўлади;

ҳаёт ҳар кимга бир маротаба берилиши англайди ҳамда йўл қўйган хато ва камчиликларнинг оқибатларини бартараф этишга ҳаракат қилади;

ҳар ким ўз ҳаёти учун ўзи масъул бўлиб, ундаги барча муаммоларга ўзи ечим топиши зарур эканлиги ҳамда бошқалар у учун жавобгар эмаслигини тушуниб етади.

Хулоса, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан сифатли тарзда якка

тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбат ўтказиш жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда муҳим аҳамият касб этади, жумладан, шахсни ахлоқан тузатишда ҳам ижобий самара беради. Шу сабабли ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Мирзаев Ж.У. “Талончилик жиноятининг олдини олиш ва фош этишни такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси, 76-бет.
2. Дымов Г.А. Организация и тактика оперативно-розыскного обеспечения раскрытия и расследования грабежей и разбоев, совершенных несовершеннолетними // Бизнес в законе. — 2005. — № 1. — С. 93.
3. Оперативно-розыскная деятельность: Учебник / Под ред. К. К. Горяинова и др. — 2-е изд., доп. и перераб. — М.: Инфра-М, 2004. — С. 38.
4. Драпкин Л.Я. Криминалистическая характеристика грабежей и разбойных нападений
https://studme.org/111211037508/pravo/rassledovanie_grabezhey_razboev
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On Prevention of Offenses") <https://www.lex.uz/acts/2387357>